



АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТЛАРИДА КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВНИНГ ТАШКИЛИЙ ИҚТИСОДИЙ МЕХАНИЗМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЙЎЛЛАРИ

Хашимова Салима Нигматуллаевна¹,
Эргашев Сарвар Алишер ўғли²

¹ и.ф.н., доц.,

Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника
Университети

² Ислом Каримов номидаги Тошкент Давлат Техника
Университети, магистр

<https://doi.org/10.5281/zenodo.5863092>

ANNOTATSIYA

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 05-yanvar 2022

Ma'qullandi: 10-yanvar 2022

Chop etildi: 15-yanvar 2022

KALIT SO'ZLAR

корпоратив бошқарув,
корпоратив бошқарув
механизми, корпоратив
бошқарувнинг
ташкилий-иқтисодий
механизми, ташкилий-
иқтисодий механизм
функциялари.

Мақолада корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизмининг мазмун-моҳияти ёритиб берилган. Акциядорлик жамиятида корпоратив бошқарув ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш учун унинг функциялари доирасида бажариши лозим бўлган вазифалари таклиф этилган.

Республикамиз мустақилликка эришган кундан бошлаб иқтисодиётнинг барча тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ислохот тадбирлари кенг миқёсида амалга оширилиши натижасида йирик корхоналар негизида кўплаб акциядорлик жамиятлари ташкил этилди.

Акциядорлик жамиятларининг корпоратив бошқарув асосида ривожлантиририш бозор иқтисодиётни талабларидан келиб чиққан ҳолда такомиллаштириб бориш, ишлаб чиқариш жараёнига инвестициялар жалб қилиш жаҳон андозаларига талабига мос келадиган маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун зарур бўлган технологияларни қўллаш асосида сифатли маҳсулотлар

ишлаб чиқаришни таъминлайди. Бу ўз навбатида корпоратив бошқарув субъектлари фаолиятини молиялаштириш даражасини юксалтиришни таъминлайди.

Миллий иқтисодиётни ривожлантириш шароитида ҳар қандай корхонага шундай талаб қўйилмоқдаки, корхоналарда корпоратив муносабатларни жадал ривожлантириш ва корпоратив бошқарувни ташкилий-иқтисодий механизмини такомиллаштириш ҳисобланади. Адабиётларда корпоратив бошқарув механизмига турлича қараш ва ёндашувлар мавжуд.

Маҳаллий олимлардан бири Д.Суюновнинг [1] фикрича, "Корпоратив



бошқарув механизми"- корпоратив мулк шаклига кирувчи субъектларнинг белгиланган мақсадига эришиш учун зарур бўлган ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий ва ташкилий муносабатларни ҳаракатга келтирувчи элементлар мажмуидир. Корпоратив бошқарув механизми мулкдорларнинг бевосита назоратидан узоқлаштирилиши оқибатида юзага келган муаммоларни ҳал қилишга қаратилган барча қонунлар, меъёрлар, низомлар, тадбир ва тартибларни ўз ичига олувчи, корхона фаолияти самарадорлигини таъминлаш ва мулкдорлар ҳамда бошқа манфаатдор шахслар (ходимлар, кредиторлар, ҳамкор корхоналар) манфаатларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича корхона менежерлари ва эгалари (акциядорлар) ўртасидаги ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи тизимни ўз ичига олади.

Маҳаллий олимлардан 3. Ашуровнинг [2] фикрича, "Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми" – бу корпорацияни бошқариш тизимида иштирок этувчи бошқарув субъектлари (корпоратив бошқарув органлари) нинг самарали корпоратив қарорларини қабул қилишда ўзаро таъсирини белгиловчи ташкилий омиллар ҳамда бошқарув субъектлари томонидан ушбу корпорациянинг самарали фаолиятига иқтисодий таъсир этиш усуллари, дастаклари ва шакллари мажмуидир. Корпоратив

бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми компания бошқарув органлари ўртасидаги самарали алоқаларни амалга оширишни, бошқарувни дастак ва усуллари ёрдамида компанияни иқтисодий самарадорликка етакловчи яхши корпоратив бошқарувни амалга оширишни таъминлайди.

Хорижлик олимлардан Д.Денис ва Ж.Мак Коннелл [3] корпоратив бошқарув механизмларини ички ва ташқиқа бўлиб, корпоратив бошқарувнинг ички механизмлари директорлар кенгаши ва мулкчилик структураси орқали ишлайди, унинг ташқи механизмлари эса корпоратив назоратнинг ташқи бозори (қўшилиш ва бирлашишлар бозори) ва мамлакат ҳуқуқий тизими билан боғлиқ, деб таъкидлайди.

Умуман олганда, корпоратив бошқарув назариясида корпоратив бошқарув механизми икки турдаги яъни ички ва ташқи элементларига ажратилади.

Корпоратив бошқарув механизмининг ташқи элементлари ташкилот ташқи муҳити таъсири билан боғлиқ, ички элементлари эса ташкилот ичидаги бошқарув ҳаракатларининг натижаси ҳисобланади.

Қуйидаги жадвалда корпоратив бошқарувнинг ички ва ташқи механизмлари келтирилган.



1-жадвал

Корпоратив бошқарув механизмлари элементлари

КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МЕХАНИЗМЛАРИ ЭЛЕМЕНТЛАРИ	
ИЧКИ МЕХАНИЗМ 1. Мулк тузилмаси 2. Директорлар кенгаши 3. Менеджерлар меҳнатига тўғри ҳақ тўлаш 4. Молиявий шаффофлик ва ахборотлар очиқлиги	ТАШҚИ МЕХАНИЗМ 1. Фонд бозори 2. Корпоратив назорат бозори 3. Меҳнат бозори

Демак, бизнинг фикримизча, корпоратив бошқарув механизмлари акциядорлик жамиятларининг ички ва ташқи муҳитнинг таъсирини ифодаловчи ва унинг самарадорлигини оширувчи элементлар мажмуи ҳисобланади.

Шунга кўра, корпоратив бошқарувнинг ички механизмига бир турдаги, т а ш қ и механизмларига эса бошқа турдаги элементлардан ташкил топади.

Демак, акциядорлик жамиятларида ташкилий-иктисодий механизм бир қанча элементларни ўз ичига олган мураккаб интеграл тизимни назарда тутди. Ташкилий-иктисодий механизмнинг асосий функциялари қуйидагилардан иборат:

- тадбиркорлик салоҳиятини рўёбга чиқариш ва тузилмалар элементларини ўзаро таъсирини таъминлаш;

- инновацион ва инвестицион таваккалчилик асосида ишлаб чиқариш омилларини доимий комбинациясини яратиш учун барқарор туртки бериш;

- иктисодий, ташкилий, ҳуқуқий, ижтимоий муҳитнинг барқарорлигини таъминлаш;

- бошқарув структурасини такомиллаштириш;

- корпоратив маданиятини шакллантириш ва ривожлантириш;

- бизнес қийматини ошириш.

Акциядорлик жамиятлари корпоратив бошқарув механизмларига жиддий эътибор қаратиши, акциядорлик жамиятларининг муваффақиятли ривожланиши ва манфаатдор гуруҳлар (акциядорлар, жумладан, йирик ва миноритар акциядорлар, акциялар эгалари, давлат органлари) турли манфаатларининг мувозанатини таъминловчи самарали ечимларни топиши зарур.

Хулоса қилиб айтганда, корпоратив бошқарувнинг ташкилий



иқтисодий механизми моҳияти
акциядорлик жамиятлари фаолияти
бошқарувни ташкилий ҳамда
иқтисодий механизмлар
элементларининг ягона мажмуадаги
ўзаро алоқаси ва ўзаро боғлиқлигини
таъминловчи, бошқарувнинг
омиллари, иқтисодий усуллари
шаклларининг ягона мажмуада

тизимлаштирувчи, иқтисодий
самарадорлик мезонларига эришишни
белгиловчи ҳамда корпоратив
бошқарувнинг пировард натижаси,
яъни корпорация фаолиятини
самарали олиб бориш ва
такомиллаштиришни таъминловчи
механизм мажмуи ҳисобланади.

Foydalanilgan adabiyotlar:

1. Суюнов Д.Х. Корпоратив бошқарув механизми: муаммо ва ечимлар. Монография. – Т.: Академия, 2006.
2. Ашуров З. Корпоратив бошқарувнинг ташкилий-иқтисодий механизми ва уни такомиллаштириш масалалари. // “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. №4, июль-август, 2017 йил.
3. Denis D. and McConnell J. International Corporate Governance, ECGI Finance Working Paper, No.05/2003, Bruxelles: European Corporate Governance Institute.